



Кумқўрғон тумани

2023

PDF

Ж Р И М

февраль

4-1904-2302/240-сонли иш

Кумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Ғозиев раислигида, судья ёрдамчиси М.Хидоровнинг котиблигида, даъвогар вакили Қ.Тангиров (ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар

жавобгар

ва

ҳисобидан солидар тартибда 1.587.033.000 сўм кредит қарзини ундириш ҳамда ундирувни жавобгарлар

ва

тегишли бўлган гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризасини Кумқўрғон туманлараро иқтисодий судининг маъмурий биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

аниқлади:

даъвогар

Кумқўрғон туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар

ва

ҳисобидан солидар тартибда 1.587.033.000 сўм кредит қарзини ундириш ҳамда ундирувни жавобгарлар

ва

тегишли бўлган гаров мулкига қаратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили жавобгар ўртасида тузилган медиатив келишувни тақдим этиб, суддан даъвони кўрмасдан қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 131-моддасига кўра, тарафлар низони медиатив келишув битимини тузиб ҳал этиши мумкин.

Медиатив келишув битими даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.

Медиатив келишув биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.



Ушбу қонуннинг 16-моддасига асосан, медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиация (Ўзбекистон Республикасида Келишувда Тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисида келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

“Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра, низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасининг 1-қисми 5<sup>3</sup>-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, иқтисодий суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Суд, тақдим этилган медиация келишуви ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, тарафлар ўртасида имзоланган медиация келишуви қонун талаблари асосида расмийлаштирилган деб топиб, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 15, 16, 17-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 130, 131, 195-моддаларини қўллаб, суд

**ажрим қилди:**

Даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогар [REDACTED] томонидан тўланган 30.000 сўм почта харажати унинг зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Судья**

**Ш.Ғозиев**

